

Нурилла ТУРАМБЕТОВ,  
Ўзбекистон халқаро ислом академияси  
“Динишунослик ва жаҳон динларини  
қиёсий ўрганиш ЮНЕСКО”  
кафедраси стажер-ўқитувчиси

# ЯНГИ ДИНИЙ ҲАРАКАТЛАР МИССИОНЕРЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

(ҚИРҒИЗИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИСОЛИДА)

XX асрнинг иккинчи ярмига келиб дунёнинг конфессионал манзарасида янги диний ҳаракатларнинг (ЯДХ) вужудга келиш ва кенг тарқалиш тенденцияси кузатилди. Бундай ҳаракатларнинг пайдо бўлиш географияси ўтган аср бошларида Шимолий Америка ва Ғарбий Европа мамлакатларига тўғри келган бўлса, кейинчалик Шарқий Осиё, Жанубий Америка ва Африка мамлакатларини ҳам қамраб олди.

Мазкур диний ҳаракатларга нисбатан янги диний жамият, янги дин, янги аср динлари, альтернатив динлар, маргинал диний жамиятлари, ноанъанавий динлар каби кўплаб атамалар ишлатилган лекин, ҳозирги кундаги илмий тадқиқотларда асосан “секта”, “культ”, “янги диний ҳаракатлар”<sup>1</sup> атамалари кенг қўлланилмоқда. АҚШда янги диний ҳаракатларга нисбатан “культ” атамасини

ишлатиш урфга кирган бўлса, Россияда эса “секта” атамаси кенг қўлланилади<sup>2</sup>. Лекин охириги пайтларда Европа динишунослик мактабларининг аксарият вакиллари янги диний ҳаракатларга нисбатан салбий маъно берувчи “секта”, “бузғунчи эътиқод” (destructive cult), “бидъатчи гуруҳлар” (heresy) каби атамаларни ишлатишдан қочиш<sup>3</sup> амалиёти кузатилмоқда. Рус диншуноси А.И.Клибанов ҳам “секта” атамаси ўзида салбий маъно акс эттиришини ва барча янги диний жамоаларга нисбатан бу атамани ишлатиш керак эмаслигини айтиб ўтган<sup>4</sup>. Уларнинг ўрнига “янги диний ҳаракатлар” атамаси илмий муомалага киритилди.

<sup>2</sup> Кузнецов А.В. Новые религиозные движения в системе государственно-конфессиональных отношений// Управленческое консультирование. – М. 2008. № 4. – С. 106;

<sup>3</sup> Massimo Introvigne. The Future of Religion and the Future of New Religions//CESNUR, 2000. – P. 65.

<sup>4</sup> Клибанов А.И. Религиозное сектанство в прошлом и настоящем. – М., 1973. – С. 256.

<sup>1</sup> Трофимчук Н. А. Новые религиозные движения: понятия, критерии // Религия и политика в современной России. – М., 1997. – С. 57-58;

Тадқиқотчининг ёндашувига ва унинг минтакавий жойлашувига қараб ЯДХ атамаси ҳар хил маъно англатади. Жумладан, Япония диншунослик мактабида ЯДХ деганда XIX асрнинг охирларида вужудга келган диний ташкилотлар назарда тутилса<sup>5</sup>, Ғарб тадқиқотларида Иккинчи жаҳон урушидан кейин пайдо бўлган маълум бир маданиятга янги бўлган ҳаракат назарда тугилади<sup>6</sup>. ЯДХ атамасига берилган ягона универсал таъриф йўқ, лекин умумий маънода анъанавий динлар томонидан тан олинмаган XX асрда вужудга келган диний ҳаракатларни “ЯДХ” деб номлаш мумкин. Шунинг ҳам таъкидлаш лозимки, маълум бир ҳудудда азалдан мавжуд эътиқод бошқа ҳудудда янги диний ҳаракат сифатида баҳоланиши мумкин. Масалан, Халқаро Қришнани англаш жамияти деярли барча мамлакатларда неоориентал янги диний ҳаракат сифатида баҳоланади, лекин ҳиндуийлик таркибидаги фирқа сифатида XVI асрдан Ҳиндистон аҳолисига маълум бўлиб келган<sup>7</sup>.

Янги диний ҳаракатларнинг вужудга келиш тенденциясини икки босқичга бўлиш мумкин. Биринчи босқич XIX асрнинг иккинчи ярмида асосан Ғарб мамлакатларида пайдо бўлган диний ҳаракатларни қамраб олиб, унинг энг ёрқин намуналари сифатида спиритизм ва теософия, яъни эзотерик таълимот турларини атаб ўтиш мумкин. Иккинчи босқич эса XX асрнинг иккинчи ярмида АҚШ ва Ғарбий Европада вужудга келган диний ҳаракатларни ўз ичига олади. Бу диний ҳаракатлар кейинчалик

ўтган аср охирларига бориб МДХ давлатлари ҳудудида тарқала бошлади.

Тадқиқотчилар томонидан ҳозирда мавжуд бўлган ЯДХнинг фаолияти таҳлил қилиниб, уларнинг кўпгина қуйидаги ўзига хос жиҳатлари маълум бўлди:

- ҳаракат аъзоларининг ўрта ёшда бўлиши: ЯДХнинг асосий ўзига хос жиҳатларидан бири ҳаракат аъзоларининг ўрта ёш вакиллари таркиб топганлиги бўлиб, тадқиқот натижаларига кўра, кўпчилик ҳолатларда бундай ҳаракатларга асосан 20-30 ёшдаги инсонлар аъзо бўлиши маълум бўлган;

- миссионерлик фаолиятига йўналганлиги: бундай ҳаракатлар миссионерлик билан шуғулланишга алоҳида эътибор қаратиб ўз ғояларини тарқатишда оммавий ахборот воситалари бўлмиш газета, журнал, радиодан кенг фойдаланадилар;

- мазкур ҳаракат эргашувчиларининг кам сонлиги: статистик маълумотларга кўра, ЯДХларга аъзо бўлганларнинг қарийб 70 % аъзолик даврининг биринчи ойидаёқ ташкилотдан чиқиб кетиши кузатишган<sup>8</sup>;

- мавжудлигининг кичик даври: маълумотларга кўра, Владивосток шаҳридаги “Церкви христа” ва “Вайшна жамияти” ташкилотларига бошида 3000 дан ортиқ шахс аъзо бўлган бўлса, ҳозирда уларнинг фақатгина 250 га яқини ташкилот таркибида қолган.

Қирғизистонда Совет тузуми парчалангандан сўнг, 1991 йил 16 декабрда “Эътиқод эркинлиги ва диний ташкилотлар” тўғрисидаги Қонун қабул қилинди. Мазкур Қонунда диний ташкилотларнинг рўйхатдан ўтиш тизими ўта “либераллаштирилган”

<sup>5</sup> Murakami Shigeyoshi. Japanese Religion in the Modern Century. - Tokyo. - P. 83

<sup>6</sup> Barker, Eileen New Religious Movements: A Practical Introduction (Paperback). 1990

<sup>7</sup> Иваненко С. И. Вайшна́вская традиция в России: история и современное состояние. Учение и практика. Социальное служение, благотворительность, культурно-просветительская деятельность. – М.: Философская книга, 2008. – С. 49

<sup>8</sup> Быков Р.А. Исторические условия формирования новых религиозных движений в России// Вестник Томского Государственного университета . №360. 2010. – С. 86.

эди<sup>9</sup>. Бу эса кўпгина чет давлатларида фаолият юритаётган Халқаро миссионер ташкилотларига қўл келади. Республикага хориждан асосан янги диний ҳаракатлар вакиллари ёпирилиб кела бошлайди. Кўплаб халқаро миссионер ташкилотлар, янги диний ҳаракатлар ва ижтимоий “ёрдам” кўрсатувчи нодавлат ташкилотлар расмий рўйхатдан ўтади. Бунинг натижасида, Қирғизистон халқаро протестант миссияларининг эътибор марказига айланади. Марказий Осиё минтақасининг бошқа мамлакатлари каби Қирғизистонда ҳам диний ташкилотларнинг миссионерлик фаолиятига қарши чора кўришни ҳаркатлари бошланади. 1996 йилнинг 4 мартида Дин ишлари бўйича давлат комиссияси ташкил этилади ва 1997 йилга келиб Давлат комиссиясида барча диний ташкилотлар қайта давлат рўйхатидан ўтади. 2002 йилга келиб Дин ишлари бўйича давлат комиссияси “Эътиқод эркинлиги ва диний ташкилотлар” тўғрисидаги Қонунни қайтадан кўриб чиқиш, бир қатор ўзгартиришлар киритган ҳолда янги таҳрирда қайта қабул қилиш ташаббуси билан чиқади. Лекин янги қонун лойиҳаси қўллаб-қувватланмайди. 2008 йилга келиб Қонун янги таҳрирда қабул қилинади. Мазкур қонунда диний ташкилотларни рўйхатдан ўтказиш жараёни мураккаблаштирилади ва миссионерлик фаолияти олдингига нисбатан чекланади. Шу йилнинг ўзида диний ташкилотлар қайта рўйхатдан ўтазилади. Бу амалиёт эса кўпчилик миссионерлик ташкилотлари ёпилиши ва худудда миссионерлик фаолиятининг олдинги даврга нисбатан камайишига замин яратди.

Фаолияти тўхтатилган кўпчилик миссионер ташкилотларнинг минтақадаги “яширин фаолияти” бошланади. Яъни, олдин диний ташкилот сифатида рўйхатдан ўтган диний

жамоалар, энди хайрия жамоат ташкилотлари, тил ўргатиш, психологик ёрдам кўрсатиш ва ҳаттоки, кўнгилочар марказлари сифатида фаолият юрита бошлайдилар.

Қирғизистонда ижтимоий ва иқтисодий “ёрдам” кўрсатиш ниқоби остида ўз динига тарғиб қилиш билан шуғулланаётган христиан ташкилотларни учта категорияга бўлиш ўринли.


Биринчи гуруҳга мамлакатнинг маҳаллий христиан черковлари қошида фаолият юритадиган ёки черковнинг вакиллари томонидан очилган ижтимоий ёрдам марказлари киради. Бундай марказлар асосан мамлакатнинг шимолида, Бишкек шаҳри ва пойтахтга яқин бўлган туманларда жойлашган. Бундай хориждан молиялаштириладиган ташкилотлар шаҳар аҳолисига текин озиқ-овқат маҳсулотларини тарқатиш, ўз адептларига тадбиркорлик билан шуғилланиш ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган қатламига амалий ёрдам кўрсатиш каби фаолият билан шуғулланади.

Иккинчи гуруҳга нотижорат нодавлат ташкилотлар, хайрия марказлари киради. Бундай ташкилотлар ўзларининг бирон бир динга мансублигини яширадилар. Мазкур тоифадаги ташкилотларнинг фаолияти асосан тренинглار ўтиш, тил ўргатиш, хизмат кўрсатиш ҳамда хайрия соҳасида фаолият юритадилар. Бундай ташкилотлар маҳаллий бўлиб, асосан хориждаги диний марказларидан молиялаштирилиши маълум. Бунга АДРА<sup>10</sup> ташкилотини мисол қилиш мумкин.

Учинчи гуруҳга эса бутун жаҳон бўйича фаолият юритадиган халқаро ташкилотлар киради. Бу тоифадаги ташкилотлар офатларга қарши кураш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш, ҳуқуқий саводхонликни ошириш каби масалалар билан шуғулланади. Баъзида халқаро ташкилотлар диний жамоа-

<sup>9</sup> Д.Кабака. Свобода вероисповедания: о реализации прав верующих в Кыргызстане. – Б.; 2015. –С. 5

<sup>10</sup> [http://www.inform.kg/ru/business\\_pages/94/11345/p1](http://www.inform.kg/ru/business_pages/94/11345/p1)



ларни ривожлантириш лойиҳаларини ҳам молиялаштирадилар. Мисол тариқасида “Дания Ёрдам Черкови” томонидан кўплаб маҳаллий черковларга моддий ёрдам кўрсатилганлигини айтиш жоиз.

Қирғизистонда фаолият юритувчи христиан ижтимоий ва иқтисодий ташкилотларининг фаолият турига қараб қуйидагиларга бўлиш мумкин:

1. Кичик бизнес ва қишлоқ хўжалигида фаолият юритувчи фермерларга ёрдам кўрсатадилар. “Христиан ёрдами”, “Дания христиан ёрдами”, “Черковлараро ҳамкорликни ривожлантирувчи ташкилот” каби ташкилотлар асосан бизнесменларга ёрдам кўрсатадилар. Бу фаолият асосан Шимолий Қирғизистонда авж олган.

2. “ACT Alliance”, ривожлантириш ва ёрдам кўрсатиш христиан ташкилотларининг Бутун жаҳон иттифоқи бошланғич ва ўрта махсус таълимни ривожлантириш дастурлари билан шуғулланади.

3. Кекса ёшдагиларга ёрдам кўрсатиш фаолиятига ихтисослашган нодавлат нотижорат ташкилотлар, хайрия фондлари.

4. Инсон ҳуқуқлари, жумладан, виждон эркинлигини таъминлаш бўйича фаолият юритувчи ташкилотлар.

Қирғизистондаги миссионерлик фаолиятининг яна бир ўзига хос жиҳати, бу миссионерларнинг ҳудуд танлашидир. Мамлакатдаги миссионерлик фаолияти таҳлили шуни кўрсатадики, ноисломий диний конфессиялар томонидан динга тарғиб қилишлик энг авж олган ҳудудлар мамлакатнинг шимолий қисмига тўғри келади. Республиканинг жанубида эса асосан исломий ташкилотларнинг улуши кўпроқдир.

Шу билан бирга, Иссиқ-кўл (33) ва Жалолобод (19) вилоятларида ҳам христиан ташки-

лотларининг сони кўпчиликти ташкил қилади.

Қирғизистонда фаолият юритаётган христиан ташкилотларининг асосий қисми Бишкек шаҳри (127) ва Чўй вилоятига (156) тўғри келади.

Қирғизистоннинг шимолий қисмида мамлакат пойтахти – Бишкек шаҳри жойлашган бўлиб, республика шаҳар аҳолисининг 60 % яшайдиган энг аҳоли зич жойлашган ҳудуд ҳисобланади. Бундан ташқари, Шимолий Қирғизистон давлат бошқарув органлари ва кўплаб бошқарув муассасалари жойлашган стратегик аҳамиятга эга бўлган мамлакатнинг энг саноатлашган ҳудудидир. Шу сабабли ҳам, кўплаб протестант жамоалари ва янги диний ҳаракатлар фаолиятининг асосий марказлари ҳам айнан Республиканинг шимолий қисми ҳисобланади. Хорижий фирмалар, халқаро ташкилотлар ва чет эллик фуқароларнинг аксарияти Республиканинг шимолий қисмида фаолият юритади.

Таҳлил шуни кўрсатадики, бугунги кунда давлат томонидан миссионерлик фаолиятига чекловлар қўйилишига қарамасдан Қирғизистон Республикасида бу фаолият тобора кўпайиб бормоқда.

Хулоса ўрнида шуни айтиш лозимки, охириги йилларда Қирғизистон Республикасида миссионерлик фаолиятига қарши кураш олиб борилаётганлигига қарамасдан миссионерлик ҳаракатлари оқибатида кўплаб инсонларнинг ҳаёти изидан чиқиб кетишига, кўплаб оилаларнинг бузилиб кетишига олиб келмоқда. Бу фаолиятнинг салбий оқибатларини англаган ҳолда, миссионерликни тадқиқ қилишнинг илмий-назарий масалаларига оид ишлаб чиқилган муҳим илмий тадқиқот натижаларини кенг илмий жамоатчиликка етказиш ҳамда унга қарши кураш стратегиясини ишлаб чиқиш лозимдир.

